

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ - ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ПАЛУАШОВА ГАУХАРАЙ ҚАЛБАЕВНА

**АМУДАРЁНИНГ ҚУЙИДА ҒЎЗАНИ ЭГАТЛАБ СУҒОРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН
ТУПРОҚНИНГ ТУЗ РЕЖИМИНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ**

Тошкент–2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Палуашова Гаухарай Қалбаевна

Амударёнинг қуйида ғўзани эгатлаб суғориш технологиясини
такомиллаштириш йўли билан тупроқнинг туз режимини бошқариш
усуллари..... 3

Палуашова Гаухарай Қалбаевна

Методы регулирования солевого режима почв путём совершенствования
технологий полива хлопчатника по бороздам в низовьях
р.Амударьи..... 23

Paluashova Gawharay Qalbaevna

Methods of regulation of soil salt regime by improving technologies of cotton
irrigation in furrows in the lower reaches of the Amu Darya River 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ - ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ПАЛУАШОВА ГАУХАРАЙ ҚАЛБАЕВНА

**АМУДАРЁНИНГ ҚУЙИДА ҒЎЗАНИ ЭГАТЛАБ СУҒОРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН
ТУПРОҚНИНГ ТУЗ РЕЖИМИНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ**

Тошкент–2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/T136 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз, (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Широкова Юлия Илларионовна
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Расмий оппонентлар:

Муродов Рустам Анварович
техника фанлари доктори

Норкулов Усмон Норкулович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

UzGIP Масъулияти чекланган жамият

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг

«__» _____ 2019 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-19-61, 237-22-09, факс: (99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги №__ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Султонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.А.Янгиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., проф.

М.Хамидов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, к/х.ф.д. проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда турли соҳаларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни кучайтириш бўйича чўратадбирлар энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан, суғориш технологияларини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалик экинлари учун сув тежовчи суғориш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, қурғоқчил иқлимли давлатларда, жумладан Исроил, АҚШ, Испания, Хитой ва бошқа ривожланган мамлакатларда ирригация соҳасида сув тежашнинг юқори технологияли усуллари, масалан, томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб ва бошқалар яратилмоқда ва қўлланилмоқда. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва МДХ нинг бошқа мамлакатларида қишлоқ хўжалик экинларини ер устидан суғоришда турли сув тежовчи суғориш усуллари қўлланилади. Жаҳоннинг қурғоқчил иқлимли мамлакатларида тупроқ шўрланишининг тарқалиши муаммоси мавжуд бўлиб, суғориладиган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини пасайтиради. Шу жиҳатдан, такомиллаштирилган суғориш технологиялари асосида суғориладиган ерларнинг сув-туз режимини бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда суғориладиган ерларнинг сув-туз режимини бошқариш усуллари такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини максимал даражада сақлаб қолиш учун суғориш технологиялари ва режими асосида вегетация даврида тупроқнинг туз режимини бошқаришда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, бу вазифани ечиш учун энг қулай бўлган суғориладиган майдонларда сув оқимларини камайтиришни таъминлаб берадиган ер устидан эгатлаб суғориш усули ҳисобланади. Тадқиқотда Амударёнинг қуйи қисмида ғўзани эгатлаб суғориш технологияларини такомиллаштириш сув ресурслари тақчиллиги шароитида тупроқнинг туз режимини бошқариш имконияти муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ирригацияда тежамкор суғориш технологияларни жорий этиш бўйича чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “..... суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига интенсив усулларни, энг аввало, замонавий сув-ва ресурс тежовчи агротехнологияларни жорий этиш, юқори унумли қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш”¹ вазифаси белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, Амударёнинг қуйи қисмида ғўзани эгатлаб суғоришнинг тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш ва тупроқ шўрланишини пасайтириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон “Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон “2018-2019 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригацияни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Амударёнинг қуйи қисмида сув-туз баланси ва сизот сувларининг хусусиятларини ўрганишда Рахимбаев Ф.М., Рачинский А.А., Ахмедов Х.А., Киселева И.К., Якубов Х.И., Рамазанов А.Р., Курбанбаев Е.К., Меришенский М.С., Полинов С.А., Сорокина И.А., Насонов В.Г., Закс И., Юсупов А., Икрамов Р.К. ва бошқалар тадқиқ қилишган. К.Исабаев, М.Хамидов, О.Эшчанов, М.Қурамбаевларнинг илмий тадқиқотлари Хоразмнинг гидроморф тупроқлари шароитида мақбул суғориш режимларини аниқлашга бағишланган бўлса, И.Форкуца тадқиқотида тупроқ илдиз фаолияти қатламида тупроқнинг шўрланиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда ғўзанинг ҳақиқий суғориш режими кўрсатилган. Кичик нишабли ва нишабсиз далаларни суғориш технологияси бўйича (нишабсиз карталар бўйича суғориш, қарама-қарши суғориш) И.Л.Безуевский, Г.Н. Павлов, А.К.Мухамедовлар тадқиқот олиб борганлар. Бир бортли суғориш ариғидан горизонтал эгатлар бўйича қарама-қарши суғориш, Қорақалпоғистоннинг паст нишабли ерларини ўзлаштириш лойиҳасида (А.В.Новикова, Классен, Глозманлар) тавсия этилган ва Е.Қ.Курбанбаев томонидан тадқиқ қилинган ва ижобий натижаларга эришилган.

Қарама-қарши суғоришнинг тури бўлган эгат оралатиб суғориш кашфиёт шаклида Сейдов О.С., Лях В. ишларида келтирилган ва тадқиқот сифатида Овезмурадов К. томонидан ўрганилган. Эгат оралатиб суғориш Г.В. Стулина, М.Г.Хорст, Ж.Мелькумова, Н.Н. Балгабаев, И.И. Ким, М.Г.Horst, S.S.Shamutalov, J. M. Gonçalves, L. S. Pereira, Junya Onishi, Paluashova Gavharay, Hiroshi Ikeura, Mulubrehan Kiflea ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган ва ижобий натижаларга эришилган.

Ҳозирги вақтда республикамизда фойдаланиладиган сув ресурслари ҳажми, айниқса Амударёнинг қуйи қисмида сезиларли даражада камайиб кетган. Илгари амалга оширилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамиятга эга, бироқ уларнинг аксарияти сув ресурслари етарли даражада таъминланган даврларда бажарилган, шу сабабли сув тақчиллигини ҳисобга олган ҳолда сув-туз режимини бошқариш ва суғориш технологиялари бўйича тадқиқотлар зарур. Амударёнинг қуйи қисми шароитлари учун суғориладиган майдонларда суғориш технологиясининг тупроқнинг туз режимига таъсири етарли даражада

ўрганилмаган. Шу сабабли эгатлаб суғоришнинг такомиллаштирилган тежамкор суғориш технологияларининг гидроморф шароитларда тупроқнинг туз режимига таъсирини ўрганиш зарурияти пайдо бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (ИСМИТИ) илмий-тадқиқот ишлари режасининг ДИТД П - 11.1.5. “Замонавий технологиялардан фойдаланиш асосида суғориладиган ерларда ва сув объектларида туз жараёнлари ва уларни бошқаришнинг мониторингини такомиллаштириш ва тупроқ шўрланишидан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили зарарини бартараф этиш усуллари ишлаб чиқиш” (2004-2006) ва ҚХА-7-034 “Сув ресурслари танқислиги ва сувнинг минераллашувини ошишини ҳисобга олган ҳолда, суғориладиган шўрланган ерларда фойдаланишга мослаштирилган қишлоқ хўжалик экинларини суғориш ва ерларнинг шўрини ювиш технологияларини асослаш ва синовдан ўтказиш” (2012-2014) мавзуларидаги тадқиқотлар доирасида бажарилган. Диссертация бўйича дала тадқиқотлари ZEF-UNESCO Бонн Университетининг (Германия) Ўзбекистондаги “Хоразм минтақасида ер ва сувдан фойдаланишни экологик ва иқтисодий жиҳатдан таркибий қайта тузиш” халқаро лойиҳаси кўмагида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм вилоятининг кичик нишабли гидроморф ерлари шароитида аэрация зонасида тупроқнинг туз режимини тартибга солиш ва сувни тежаш учун эгатлаб суғориш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“қарама-қарши суғориш” ва “эгат оралатиб суғориш”нинг такомиллаштирилган усуллариининг суғориш параметрлари ва сув тежаш кўрсаткичларини экспериментал тадқиқотлар асосида аниқлаш;

даланинг сув-туз режимига “қарама-қарши суғориш” ва “эгат оралатиб суғориш” технологияларини қўллаш таъсирини аэрация зонасида намлик ва тузларнинг кўчиши қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш;

гидроморф шароитда ғўзанинг суғориш муддатларини аниқлаш усули, тупроқ шўрланиши ва тупроқ намлигининг осмотик босимини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

суғориладиган дала тупроғининг сув-туз режимини бошқариш усуллари баланс кўрсаткичлари ўзгаришининг башорати ва моделлаштириш асосида ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Хоразм вилояти Хонқа ва Хива туманларидаги кичик нишабли шўрланган гидроморф тупроқлари (ИСМИТИ нинг Хонқа тажриба ишлаб чиқариш хўжалиги ва Ургенч давлат университети тажриба ишлаб чиқариш участкаси) олинган.

Тадқиқотнинг предмети суғориш параметрлари, сув тежами кўрсаткичлари, намлик ва тузларнинг кўчиши қонуниятлари, сув-туз баланси хусусиятлари ва тупроқга мелиоратив таъсири гидроморф шароитларида, такомиллаштирилган эгатлаб суғориш технологияларида – “қарама-қарши суғориш” ва “эгат оралатиб

суғориш”, сизот сувлари сатҳи яқин, шўрланган тупроқлар аэрация зонасининг сув – туз режимини бошқариш критериялари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида экспериментал ва дала кузативларининг умумий қабул қилинган услублари, тупроқнинг лаборатория таҳлили, график қайта ишлаш, маълумотларни статистик ишлаш амалга оширилди, тупроқнинг сув-туз режимини моделлаштириш ва сонли ечиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“қарама-қарши суғориш” ва “эгат оралатиб суғориш”нинг такомиллаштирилган усуллариининг суғориш параметрлари ва сув тежаш кўрсаткичлари экспериментал тадқиқотлар асосида аниқланган;

даланинг сув-туз режимига “қарама-қарши суғориш” ва “эгат оралатиб суғориш” технологияларини қўллаш таъсирини аэрация зонасида намлик ва тузларнинг кўчиши қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

гидроморф шароитда ғўзанинг суғориш муддатларини аниқлаш усули тупроқ шўрланиши ва тупроқ намлигининг осмотик босимини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

суғориладиган дала тупроғининг сув-туз режимини бошқариш усуллари баланс кўрсаткичлари ўзгаришининг башорати ва моделлаштириш асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилоятининг икки туманининг гидроморф шўрланган тупроқлар шароитида оддий суғориш технологиялари намойиши “қарама-қарши суғориш” ва “эгат оралатиб суғориш” нинг эгатлаб суғориш технологияларида вегетация даврида сув ресурсларини тежаш имкониятлари такомиллаштирилган;

тупроқнинг ўртача шўрланишида “қарама-қарши суғориш”нинг мелиорацияга ижобий таъсири ва тупроқнинг кучсиз шўрланишида “эгат оралатиб суғориш” технологиясининг суғориладиган далада тупроқнинг туз режими ва экин ҳосилига таъсири аниқланган ва уларнинг усуллари ишлаб чиқилган;

туз тўпланиши ва суғориш режими, сув қўйишда башоратлар ўзгариши бажарилган, гидроморф шароитларда суғориладиган даладаги тупроқнинг сув-туз режимини бошқариш усуллари такомиллаштирилган ва уларнинг критериялари (босимлар йиғиндисини критик ушлаб туриш ва сизот сувлари сатҳини пасайтириш режимлари) аниқланган;

тежамкор суғориш технологиялари бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилган ва халқаро миқёсдаги ер ресурсларини барқарор бошқариш учун энг яхши амалиёт маълумотлари базаси - WOCAT га киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибаларини ва лаборатория таҳлилларини бажаришнинг умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари, ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, ҳисоблашларда математик статистик услуби билан ва EXCEL дастурига (стъюдент бўйича 95 %) иловаларнинг махсус программасини қўллаш усулларига асосланганлиги,

тажриба натижаларини бошқа олимлар томонидан олинган натижалари билан таққослаб текширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “қарама-қарши суғориш” ва “қатор оралатиб суғориш”да намлик ва тузларнинг кўчиши қонуниятлари аниқланди, ҳамда тупроқ шўрланиши шароитида ғўзани суғориш муддатларини белгилаш учун критериялар ва ғўза ҳосили йўқотилишига тупроқ шўрланиши таъсирининг эмперик боғланиши илмий асосланганлиги билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тупроқнинг ўртача шўрланишида “қарама-қарши суғориш”нинг ижобий мелиоратив таъсири аниқланди ва “эгат оралатиб суғориш”да тупроқ шўрланишининг ўзгаришини миқдорий баҳолашда тупроқнинг кучсиз шўрланишида ва ўта сув танқислигида тавсия этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Амударё дарёсининг қуйи қисмидаги ерларда тупроқнинг туз режимини тартибга солиш усуллари ва ғўзани такомиллашган эгатлаб суғориш технологиялари тадқиқотлари бўйича олинган натижалар асосида:

“қарама-қарши суғориш” ва “эгат оралатиб суғориш”нинг такомиллаштирилган усуллариининг суғориш параметрлари ва сув тежаш кўрсаткичлари Сув хўжалиги Вазирлиги тасарруфидаги Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги ирригация тизимлари ва сув истеъмолчилар уюшмасига жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 02/15-740-сон маълумотномаси). Натижада вегетация даврида сув ресурсларини 25-33,5 % гача иқтисод қилиш имконияти яратилган;

даланинг сув-туз режимига “қарама-қарши суғориш” ва “эгат оралатиб суғориш” технологияларини қўллаш таъсирини аэрация зонасида намлик ва тузларнинг кўчиши қонуниятлари, гидроморф шароитда ғўзанинг суғориш муддатларини аниқлаш усули, тупроқ шўрланиши ва тупроқ намлигининг осмотик босими, суғориладиган дала тупроғининг сув-туз режимини бошқариш усуллари баланс кўрсаткичлари ўзгаришининг башорати ва моделлаштириш мелиоратив объектларини лойиҳалаш учун Сув хўжалиги Вазирлиги тасарруфидаги “UzGIP МЧЖ” институтига жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 02/15-740-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот материалларини қўллашда, мелиоратив объектларни реконструкция қилиш лойиҳаларида, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш каби имкониятлар яратилган;

тупроқ шўрланиши ва тупроқ намлигининг осмотик босими асосида “қарама-қарши суғориш” технологияси ва гидроморф шароитда ғўзанинг суғориш муддатларини аниқлаш усули Сув хўжалиги Вазирлиги тасарруфидаги Хоразм вилоятининг Хонқа тумани ИСМИТИ нинг тажриба хўжалигига жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 02/15-740-сон маълумотномаси). Натижада “қарама-қарши” суғоришни қўллашда даланинг бир текисда тупроқнинг устки қатламини тузсизлантириш ва намлантириш ҳисобига даланинг қўйи қисмида мавсумий шўрланишни 10 dS/m гача камайтиришга, сув

ҳажмини 1000 м³/га гача ва шўр ювишда 3000-4000 м³/га гача қисқартирган, кушимча пахта ҳосилдорлигини 7 центнердан ошиши имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 25 та анжуманда, шу жумладан 7 та халқаро ва 18 та республика илмий-техник анжуманлари ва семинарларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 6 та мақола республика ва 5 та мақола хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш рўйхати келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Амударё дарёсининг қуйи қисмидаги суғориладиган ерларда сув-туз режимини бошқариш ва эгатлар бўйича суғориш муаммолари бўйича тадқиқотларнинг илмий таҳлили”** деб номланган биринчи бобида адабий-аналитик таҳлил бажарилган, турли йилларда Амударёнинг қуйи оқимларида сув-туз ва грунт сувлари баланси хусусиятларини ўрганиш билан Рахимбаев Ф.М, Рачинский А.А, Рамазанов А.Р., Курбанбаев Е.К, Якубов Х.И., Насонов В.Г., Закс И., Юсупов А., Икрамов Р.К. ва бошқа олимлар шуғулланганлар. К.Исабаев, М.Хамидов, О.Эшчанов, М.Курамбаев, И.Форкуца ва бошқаларнинг ишлари Хоразмнинг гидроморф тупроқлари шароитида мақбул суғориш режимларини ўрнатишга бағишланган. Ушбу тадқиқотлар натижасида сув ва туз мувозанатини ташкил этувчилари тўғрисидаги кўплаб илмий-амалий маълумотлар ва хулосалар олинган ва ер ости сувларида чучук сув қатламини яратиш қонуниятлари аниқланди.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамиятга эгаллигини намоён этади. Аммо, уларнинг кўпчилиги сув ресурсларининг етарли даврида бажарилган, ҳозирги кунга келиб улар анча пасайган.

Н.Т.Лактаев, И.Л.Безуевский, В.К.Севрюгин, М.Г.Хорст ва бошқалар томонидан турли шароитлар учун эгатлаб суғориш параметрларини батафсил ўрганиб чиқдилар ва суғоришнинг ФИК ни аниқлашга эришдилар. Кам нишабли ва нишабсиз шароитларда суғориш технологиясини И.Л.Безуевский, Г.Н. Павлов,

А.Мухамедов, Е.К.Курбанбаевлар тадқиқот қилдилар. Бир бортли суғориш ариғидан горизонтал эгатлар бўйича “қарама-қарши суғориш” Қорақалпоғистоннинг кам нишабли ерларини ўзлаштириш лойиҳасида ишлаб чиқилган (А.В.Новикова, Классен, Глозман).

Ҳар хил шароитларда “эгат оралатиб суғориш”нинг тежамкор технологиялари Ж.Мелькумова, Н.Н. Балгабаев, Г.В.Стулина, М.Г.Хорст, И.И. Ким, М.Г.Horst, S.S. Shamutalov, J. M. Gonçalves, L. S. Pereira. Junya Onishi, Paluashova Gavharay, Hiroshi Ikeura, Mulubrehan Kiflea ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Суғориш жараёнида эгатлар бўйича суғоришда тузларнинг тарқалиши масалалари фақат ФАО қўлланмасининг 6-қисмда акс эттирилган, бунда эгатлаб суғоришда тупроқнинг туз режимини тартибга солиш услубларининг таҳлили келтирилган (Brouwer et all).

Амударёнинг қуйи қисми бўйича олдинги тадқиқотларни баҳолаш кўрсатадики, турли суғориш технологияларининг тупроқ туз режимини бошқариш имкониятларига таъсири етарлича ўрганилмаган. Бу билан қарама-қарши суғоришни қўллашда суғориладиган даланинг туз ва сув режими хусусиятларини ўрганиш зарурлиги асосланади. Шунингдек, эгат оралатиб суғоришнинг сув тежамкор технологияси шўрланган гидроморф тупроқларда ҳам тадқиқотлар етарли даражада ўрганилган.


Диссертациянинг “**Табиий-хўжалик шароитлари ва тажрибаларни олиб бориш услубияти**” деб номланган иккинчи бобида Хоразм вилоятининг шароитлари баён этилган, унинг иқлимий, табиий, сув хўжалик ва мелиоратив тавсифлари келтирилган. Тажриба участкаларида дала тадқиқотларини олиб бориш услубияти баён этилган, тажрибалар тузилмаси, берилган ҳолатдаги тупроқларнинг сув-физик хоссаларини аниқлашнинг дала ва лаборатория натижалари, участкаларнинг тузилиши, кузатишлар, ўлчаш услублари ва бошқалар келтирилган.

Амударёнинг шимол томонга йўналган 0,0001–0,0002 умумий нишабликга эга бўлган қуйи қисмининг асосий геоморфологик элементлари дельтанинг текислигини ўзгартирувчи ясси ўйиқлардан иборат, улар остки ҳар хил заррачали кумлар устидаги қумлоқ-қумоқ ётқизиқлардан тузилган.

Хоразмда суғориладиган ерлар маҳсулдорлигининг асосий муаммоси грунт сувларининг ер юзасига яқин жойлашганлиги оқибатидаги тупроқларнинг мавсумий шўрланишидир. Кўп йиллар мобайнида, вегетация даврининг охирига келиб суғориладиган ерларнинг тахминан 50 фоизи тупроқнинг ўртача ва кучли шўрланиш даражасига эга. Тадқиқотлар ўтказиладиган туманларда ўртача ва кучли шўрланган ерлар Хонқа тумани бўйича суғориладиган ерларнинг 23-29 % ни, Хива тумани бўйича 50 % дан ортиқ ерларни ташкил қилади. Шўрланиш типиди сульфат туридан хлорид-сульфат туригача ўзгаради. Суғориладиган ерларнинг сув ва туз режимини бошқариш экин турлари ва улар билан боғлиқ бўлган сув бериш ва суғориш технологиялари билан чамбарчас боғлиқ.

Вариантлардаги тажрибалар: эгатлар бўйича қарама-қарши суғориш ва назорат-бир томонлама одатдаги суғориш 2004-2005 йилларда Хонқа туманидаги ИСМИТИ (олдинги САНИИРИ) нинг Хоразм тажриба ишлаб чиқариш хўжалиги

далаларида ўтказилди. Эгат оралатиб суғориш 2006 йилда Хива туманидаги Урганч давлат Университети тажриба участкаси ҳудудида тадқиқот этилди (1-расм).



1-расм. Тажриба участкаси ва вариантларнинг жойлашиш чизмалари

Тажрибалар қайтариқчилиги 3 марта. Участкалар қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланди: сув ўлчаш воситлари, қузатув қудуқлар тупи (куст) гуруҳи, створ узунлиги бўйича «назорат» ва «тажриба», грунт сувлари сатҳи ва минерализацияси учун воситалар. Қузатув қудуқлари куст чуқурликлари мос равишда 1,5; 2,5 ва 3,5 м. бўлган 3 та қудуқдан иборат. Қарама-қарши суғориш бўйича тажрибада 21 та қудуқлар кусти, эгат оралатиб суғориш тажрибасида 27 та куст ўрнатилди.

Тупроқнинг берилган ҳолати ва хоссаларини баҳолаш учун тажриба вариантларининг ҳар бирида учтадан тупроқ қирқими қўйилди, уларда тупроқ ён қирқимининг генетик тавсифи бажарилди ва ҳажмий оғирлигини аниқлаш кесувчи халқалар услуби билан бажарилди. Тупроқ қирқимлари ёнида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги Нестеров услуби билан учта такрорлашда аниқланди. Суғоришлар даврида вариантлар бўйича даладаги сув бериш ҳажмини Чипполетти ва эгатдаги сув сарфини Томпсон сув туширгичлари билан ўлчаш олиб борилди.

Тупроқ намлигини ўлчаш термостат-оғирлик услуби билан, шунингдек тупроқ қирқимларининг 20, 40, 60, 80 ва 100 см. чуқурликларига ўрнатилган FDR намлик датчиклари ёрдамида узлуксиз аниқланди.

Хива туманидаги метеомайдончага ўрнатилган ZEF лойиҳасининг автоматик тарзда маълумот ёзувчи метеорологик кўрсаткичлари аниқланди: суткалик ҳарорат, ҳаво намлиги, ёғинлар, шамол тезлиги ва сув юзасидан буғланиш. Иқлимий маълумотлар асосида Пенман-Монтейт бўйича суткалик эвапотранспирация ҳисобланди. Тажрибалар тузилмалари, схемаси 1- расм ва 1-жадвалда келтирилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот этилаётган технологияларда эгатлар бўйича суғоришнинг экспериментал маълумотларини баҳолаш” деб номланган

учинчи бобида суғориш технологиялари бўйича экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган, шунингдек суғориш параметрларини баҳолаш: эгат узунлиги, сув сарфлари, суғориш давомати, “қарама-қарши суғориш” ва эгат оралатиб суғориш”да суғориш ва умумий суғориш меъёрлари, одатдаги суғоришларга (ва меъёрларга) таққослаб берилган.

1-Жадвал

Эгатлаб суғориш технологиялари бўйича тажрибалар тузилмалари

№№	Жойлашган ўрни, участка тупроғининг тавсифи, муддатлар	Майдони, га	Вариантлар	Эгат узунлиги, м
1-Тажриба	Хонка тумани, тупроқлари қатламли, ўрта кумоқли, кучсиз зовурлашган, кўл ётқизиклари, ўртача шўрланган. Ғўза нави Хоразм-127. 2004-2005 йй.	3,24	Назорат-бир томонлама одатдаги суғориш	300
			“Қарама-қарши суғориш”	150
2-Тажриба	Хива тумани, енгил кумоқли, бир жинсли, кучсиз шўрланган. Ғўза нави Бухоро -6. 2006 й.	2,5	Назорат-ҳар бир эгатга суғориш	90
			“Эгат оралатиб суғориш”	90
			Фермер амалиёти-ховуз услуги	50-70

Қарама-қарши суғориш эгат бўйича сувнинг секин юриши муаммоси мавжуд бўлган кам нишабли ерлар учун тавсия этилади ва шунинг учун фильтрацияга жуда кўп сув йўқотилади. Қарама-қарши суғориш – бу суғориш эгатларини даланинг икки томонидан жадал тўлдиришдир.

Қарама-қарши суғориш бўйича тажрибаларда эгатга сув сарфи 2004 йилда 0,91-1,36 л/с, 2005 йилда 0,76-1,42 л/с ораликда ўзгарди, бу эса Н.Т.Лактаев тавсия этган кам нишабли ерлардаги эгатлар сув сарфига деярли мос келади. Одатдаги ва “қарама-қарши суғориш” давоматларини солиштириш кўрсатадики, тажриба шароитларида 2 йил ичида ўртача одатдаги суғоришга нисбатан қарама-қарши суғориш давомати 2,2 марта қисқарган (16,4 дан 6,3 соатгача), чунки эгатларнинг сув билан тўлиши тезроқ кечади. Икки томондан суғориш тупроқнинг равоноқ намланишини таъминлаш ҳисобига суғориш сувининг тежалиши 2004 йилда 321 м³/га, 2005 йилда 914 м³/га ни ташкил этди. Ушбу ҳудуддаги ўрин олган унча катта бўлмаган умумий суғориш меъёрларида тавсия этилаётган суғориш технологияси грунт сувларининг ер юзасига яқин жойлашганлиги сабабли бир томонлама одатдаги суғоришда сарф этиладиган сувга нисбатан 15-25 % гача сувни иқтисод қилишга имкон беради (2-жадвал).

Суғоришларни ўтказиш даврида грунт сувлари сатҳининг суғориш меъёрига боғлиқ равишда кўтарилиши кузатилди. Сквжиналар қаторлари бўйича грунт сувлари сатҳи ўртача 0,6-0,9 метрга кўтарилди. 2004-2005 йилларда вегетация даврида ер ости сувларининг ўртача сатҳи: ўртача 0,98 м, 0,82-1,04 метр ораликда ўзгариши кузатилди. Вариантлар орасидаги фарқ деярли йўқлиги статистик исботланади.

Икки йиллик тажрибалар давомида экин даласидаги сизот сувлари минерализациясининг сезиларли даражада ўзгармаганлиги: 1,43-2,97 г/л – “қарама-қарши суғориш”да ва 1,71-3,45 г/л – назоратда кузатилди.

Қарама-қарши ва анъанавий суғоришлар вариантлари бўйича мос равишда ҳосиллар 2004 йилда 29,5 ва 21,4 ц/га ва 2005 йилда 27,6 ва 20,5 ц/га ни ташкил этди. Яъни, экинлар учун маъқулроқ бўлган тупроқ шароитларини таъминлаш ҳисобига 2 йил давомида “қарама-қарши суғориш” участкасида анъанавий суғориш участкасига нисбатан ғўза ҳосилдорлиги 7-8 ц/га га ошиқ олинди.

2-жадвал

Тажриба вариантларида ғўзани суғоришнинг мавсумий ва бир марталик суғориш меъёрлари, м³/га

Вариантлар	Суғоришлар				Умумий суғориш меъёри	%
	1-суғориш	2-суғориш	3-суғориш	4-суғориш		
2004 йил	1-суғориш 5.07.04	2-суғориш 23.07.04	3-суғориш 21.08.04			
Анъанавий суғориш (назорат)	855,8	547,3	765		2168,1	
Икки томонлама суғориш (тажриба)	569,5	523,4	754,5		1847,4	
Фарқи	-286,3	-23,9	-10,5		-320,7	-14,7
2005 йил	1-суғориш 21.06.05	2-суғориш 3.07.05	3-суғориш 4.08.05	4-суғориш 24.08.05		
Анъанавий суғориш (назорат)	697,8	643,8	1001	1258,9	3601,5	
Икки томонлама, суғориш (тажриба)	538,5	545,8	965,1	638,5	2687,9	
Фарқи	-159,3	-98	-35,9	-620,4	-913,6	-25,0
Ўртача						-20
2006 йил	20.06.2006	04.07.2006	27.07.2006			
Ҳар бир эгатдан суғориш	1268,4	887,2	1286,9		3442,5	
Эгат оралатиб суғориш (назорат)	696,6	625,1	967,6		2289,3	
Ҳар бир эгатдан суғориш (фермер амалиёти)	1239,4	915,7	1078,5		3233,6	
Назоратга нисбатан фарқ – ҳар бир эгатдан суғориш						
Эгат оралатиб суғориш, м ³ /га	-571,8	-262,2	-319,3		-1153,2	
Эгат оралатиб суғориш, %	-45,1	-29,5	-24,8		33,5	
Фермер амалиёти, м ³ /га	-29,0	28,5	-208,4			
Эгат оралатиб суғориш, %	-2,3	3,1	-19,3		-6,5	

Шунинг натижасида, бирлик ҳосилга солиштирма сув сарфлари 2004 йилда қарама-қарши суғоришда 62,6 м³/ц ва анъанавий бир томонлама суғоришда 101,4 м³/ц ни, 2005 йилда мос равишда 97,3 ва 176,1 м³/ц ни ташкил қилди. Яъни “қарама-қарши суғориш” солиштирма сув харажатларини 40-80 % га камайтиришига имкон беради.

“Эгат оралатиб суғориш”. “Эгат оралатиб суғориш” - бу сувнинг чекланганлиги шароитида фермерлар томонидан қўлланиладиган оддий

технологик усул ҳисобланади. Илмий нуқтаи назардан, эгат оралатиб суғорилганда сув кўйилмаган эгатнинг намланиши сувнинг намланган эгатдан қуруқ эгат томон капилляр ҳаракатланиши ҳисобига юз беради. Ғўзани эгат оралатиб суғориш уни шўрланган гидроморф тупроқларда қўллаш учун тадқиқот этилмаган. Грунт сувларининг ер сатҳига яқин жойлашган шароитларда, эгатлар таъзйиқли режимда ишлайди, тупроқнинг етарли намланмаслик хавфи камаяди, шўрланиш хавфи эса ошади.

Тажриба маълумотлари бўйича аниқландики, вегетация давомида “ҳар бир эгатдан суғориш” ва “эгат оралатиб суғориш” технологияларида сув харажатлари мос равишда 3443 м³/га ва 2289 м³/га ни ташкил қилди, яъни вегетация даврида 1153 м³/га ёки 33,5 % сув тежалди. Энг юқори сув тежами: 45 % ёки 600 м³/га эгат оралатиб суғоришнинг биринчи суғоришида, иккинчи ва учинчи суғоришларда сув тежалиши мос равишда 29,5 % ва 24,8 % (260 ва 320 м³/га). Демак, грунт сувларининг ер сатҳига яқин жойлашган шароитларида (0,88 м.), энг юқори сув тежамига биринчи суғоришда, тупроқ қуруқроқ ва ГСС чуқурроқ бўлганда эришилади. Ғўза ҳосилдорлиги 33,4 ц/га ва 32,1 ц/га ни (фермер амалиётида 29,6 ц/га ни, солиштирма сув харажатлари эса мос равишда 103 ва 71 м³/ц ни ташкил этди.


Диссертациянинг **“Намлик ва тузларнинг кўчиши қонуниятлари ва қарама-қарши суғориш ва эгат оралатиб суғоришда аэрация зонасида сув – туз режими ва дала балансининг хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобида ўрганилаётган суғориш технологияларида аэрация зонасида намлик ва тузларнинг кўчиши хусусиятлари кўриб чиқилган, сув – туз режими ва дала баланси тадқиқотлар натижалари келтирилган.

“Қарама-қарши суғориш”да тупроқ намлиги бўйича маълумотларни қайта ишлаш натижасида дала учун ўртача унинг тупроқ намлигига таъсири аниқланмади. Шунингдек, тупроқ намлигининг юқорилиги сабабли, вариантлар бўйича солиштирганда, 0-60 см қатлам учун ҳам 0-40 см қатлам учун ҳам суғоришнинг самарали коэффициентларининг сезиларли фарқлари аниқланмади, бу эса даланинг бир текис намланишини намоён этади. Шунга қарамасдан, “қарама-қарши суғориш” даланинг қуйи қисми учун назоратга нисбатан тупроқнинг афзалроқ намланганлигини кўрсатди (2-расм). Вегетация даврида анъанавий ва “қарама-қарши суғориш”ларнинг таъсирида даланинг пастки қисмида намлик тақсимланишининг ўзгариши 2-расмда кўрсатилган.


2-расмда кўриш мумкинки, грунт сувларининг ер юзасига яқин жойлашган шароитларида, вегетациянинг деярлик барча даврида тупроқ намликга тўйинган ҳолатда (ЧДНС га нисбатан 0,7 ва ундан юқори) бўлади. Створнинг қуйи қисмидаги нуқталардаги (2А расм, Т9 - назорат ва Т10 - тажриба) тупроқ намлиги бўйича маълумотлардан кўринадикки, суғоришдан суғоришгача намликнинг сезиларли камайиши 0-50 см. қатламдагина рўй беради, бу қатламдан пастда эса тупроқ сувга тўйинган. 2А расмдан кўринадикки, даланинг пастки қисмида “қарама-қарши суғориш”да тупроқ қирқимида намлик тақсимланиши яхшиланади. 2Б расмдан хулоса қилиш мумкинки, қарама-қарши суғориш вариантыда даланинг пастки учинчи қисмида вегетация давомида тупроқнинг

0-60 см қатламидаги намлик бир томонлама суғоришга нисбатан массаги 1,75 % ёки 1,1 марта ортиқ.

Вегетацияда тупроқ намлигининг ўзгариши бўйича маълумотлар фрагментидан (3-расм) тупроқ намлиги профилига Хоразмнинг специфик гидроморф шароитлари (грунт сувларининг яқин жойлашганда) қандай таъсир қилиши кўриниб турибди. Вегетацияда тупроқ намлигининг ўзгариши бўйича маълумотлар фрагментидан (3-расм) тупроқ намлиги профилига Хоразмнинг специфик гидроморф шароитлари (грунт сувларининг яқин жойлашганда) қандай таъсир қилиши кўриниб турибди.



2-расм. Тупроқ кесимидаги ва кузатишлар давомидаги тупроқ намлигини ўзгариши: А) даланинг пастки қисми, 9 ва 10-нуқта, 2005 й; Б) даланинг 200 м. дан 300 м. гача бўлган пастки қисми, 2004 й, 0-60 см қатлам



3-расм. FDR узаткичлари бўйича тупроқ профилидаги намликнинг қуруқ ва намланган эгатлардаги ўзгариши

3-расмдан кўринадикки, биринчи суғоришдан кейин тупроқда капилляр ва шимилган намликнинг қўшилиши кечади, шунинг учун “эгат оралатиб суғориш”

нинг иккинчи ва кейинги суғоришлари капилляр-муаллақ режимда ўтказилади ва ғўзанинг илдиз фаолияти зонасида тупроқнинг тўла намланмаслигига олиб келмайди.

Тупроқнинг туз режими тўғрисидаги қисмида тадқиқот қилинган эгатлар бўйича суғоришнинг иккита технологиясида тупроқ шўрланиши динамикаси тўғрисидаги амалий статистик қайта ишланган маълумотлар келтирилган ва технологияларнинг таъсирига мулоҳазалар берилган.

Ер юзасидан сув беришдаги тупроқнинг яхши намланиши тузларни илдиз фаолияти зонасидан пастга туширишга, экинларнинг туз стрессини камайтиришга ва ҳосилни сақлашга имконият яратади. Тадқиқот натижалари кўрсатдики, кам нишабли ерларда участкаларни бир томонлама анъанавий суғоришда даланинг пастки ярми тупроқлари кузга келиб юқори даражада шўрланишга эга бўлади, “қарама-қарши суғориш” эса тупроқга яхши мелиоратив таъсир кўрсатади.

3-жадвал

Дала узунлиги бўйича тажриба вариантларида тупроқ шўрланиши (ЕСе, dS/m) ўзгаришларини таққослаш, қатлам 0-60 см


Суғориш йўналиши бўйича экин даласининг биринчи ярми					Суғориш йўналиши бўйича экин даласининг иккинчи ярми				
